

МАДЖАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: «Касб махорати» фанини укитиш
методикаси**

Бажарди:

***«Менежмент» кафедраси
Ассистенти Тураева З.С.***

- **Битирув малакавий ишининг мақсади**- ўсиб келаётган ёш авлодга иқтисодиёт илми асосларини ўрганиш бўйича бозор иқтисодиётининг келиб чиқиши, ривожланиши ва унинг бугунги кунда амал қилиш қонуниятлари туғрисида тушунча бериш орқали уларга ўзлари яшаётган жамиятнинг иқтисодий қонун қоидаларини тўғри ва чуқурроқ тушунтириш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш ва кенг қамровли билимлар эгаси бўлиб етишишларига кўмаклашишдир.

Битирув малакавий иши мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни бажармоғи лозим:

- Фани ўқитишнинг мақсади ва вазифаларни аниқлаш;
- Фани ўқитишнинг кетма-кетлигини аниқлаш;
- Ўқитилаётган фаннинг мазмунини аниқлаш;
- Ўқитишнинг шакли ва методлари ва воситаларини аниқлаш;
- Ўқув материалларини ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида ўқувчининг фаолиятини ташкил этиш.



Касб маҳорати фанини ўқитиш жараёни

Талабалар тахлили

- Касб маҳорати фани “Иқтисодиёт” (Касбий таълим) 5140900 йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.
- 8-05 ММНДТ гуруҳи талабаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги маълумотлар аниқланди:
- Гуруҳда 24 та талаба бўлиб, 5та қиз бола, 19 та ўғил болалар таҳсил олади. Гуруҳнинг ўртача ёши 21 да. Талабалар кўпчилиги ўрта махсус маълумотли. 15 талаба инглиз тилини, 5 талаба немис тилини , 4 талаба француз тилини ўзлаштирган. Бугунгача битирган курслари: компьютер курсларини 5 киши, бухгалтерия курсини 3 киши.
- Оилавий шароитлари: гуруҳда бир киши турмушга чиққан, 4 киши уйланган. Талабаларнинг аксарияти бўш вақтларида компьютерга, тил ўрганишга қизиқади. Талабалардан 5 киши ўз мутахассислиги бўйича ишлашни хоҳлайди, 15 киши иқтисодчи, 4 киши тижоратчи бўлмоқчи. Гуруҳ талабалари илмга чанқоқ, берилган топшириқни ўз вақтида талаб даражасида бажаради.

Шароитлар таҳлили

- ҳуқуқий
- техник
- ташкилий шарт-шароитлар

Ҳуқуқий шароитларга фан дастури, ўқув режаси, календарь режа, баҳолаш мезонлари, журнал киради.

- **Фаннинг ўқув дастури** - давлат ҳужжати бўлиб, фандаги назарий ва амалий машғулотларнинг мазмуни, мажбурий ҳажми, кетма-кетлиги ва ҳар бир мавзу бўйича ажратилган соатларни аниқлайди. Ўқув дастурлар намунавий ва ишчи турларига бўлинади. Намунавий иш дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Намунавий иш дастури асосида ҳар бир ўқув юртида ишчи ўқув дастурлари тайёрланади, ҳамда ўқув юртининг, ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

- **Ўқув режаси** - бу давлат ҳужжати бўлиб, ўқув юртидаги ўқув ва тарбиявий жараёнининг мазмуни, ҳажми турлари кетма-кетлиги ва муддатларини кўрсатади
- **Календар режа-** фан бўйича ўтиладиган мавзуларни режалаштириш, ҳамда ўтилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Баҳолаш мезони

Ўзлаштириш кўрсаткичи «5»

баҳога лойиқ бўлиши учун:

- фан ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларни тўлиқ ўзлаштирган, талаб ўз хатоларни ўзи тузатган ҳолда;
- фанга қизиқиши, яратувчанлиги, мураккаб топшириқларни пухта бажаришга ҳаракат қилиш этилади.

Ўзлаштириш кўрсаткичи «4» баҳо бўлганда:

- фанни ўқув дастурида келтирилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларни тўлиқ изоҳлаб берган, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган хатоларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи кўрсатмаси асосида туза олган ҳолда;

- фанга қизиқишни намоён этиши;
- Мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши ҳисобга олинади.
- Ўзлаштириш кўрсаткичи «3» баҳо бўлганда:
- ўқув дастурида кутилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳланмаган.
- Фанни ўрганишда қизиқиши пастлиги, мураккаб топшириқларни бажаришда интилиш йўқлиги инобатга олинади.

Ўзлаштириш кўрсаткичи «3» баҳодан паст

- ўқув дастурига кирган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ билмаган, тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Техник шарт-шароитларга

- техник мосламалар, уларнинг яроқлиги тушинилади. Фанни ўқитиш замонавий дидактик воситалар ёрдамида (проектор, компьютер, видеопроектор) мўлжалланган.

Ташкилий шарт-шароитлар.

- Фан бўйича билим, малака ва кўникмаларни эгаллаши учун дарс ўтиладиган синф хонасининг тайёрлиги яъни синф хонаси ёруғ, тоза, стол ва сутуллар етарли, доска, бўр бўлиши керак.

Фаннинг укув мақсади ва мазмуни

- «Қасб маҳорати» фанининг мақсади бўлиб кадрлар тайёрлаш жараёнининг самандорлигини таъминлаш ва режалаштирилган натижаларга қароқатли эришишни таъминлаш ҳисобланади.
- Республикада янги кадрлар тайёрлаш тизими яратилаёпти, унинг асосида тайёрланадиган кадрлар ривожланган демократик давлат талаблари даражасида бўлиши турибди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда мутахассисларнинг малакавий даражаси жаҳон тажрибасида қабул қилинган талабларга тула жаваб бериши лозим.
- Иқтисодиёт йуналиши бўйича битирувчиларни тайёрлаш махсус бозор иқтисодиёти билимларини эгаллашни талаб этади, битирувчилар ўз қасбларига доир иқтисодий билимларини билишлари шарт ва зарур, тайёрланувчи мутахассислар қасбий билимларини эгаллаш билан бир қаторда иқтисодий жаҳада ҳар томонлама ҳаётга ҳам тайёр бўлиб боришлари лозим.

«Касб махорати» фанини ўқиш давомида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлишлари кўзда тутилган

- Бозор тушунчасини изохлай олиши;
- Бозор иқтисодиёти тушунчасини тушунтира олиши;
- Иқтисодий тизимларни фарқлай олиши;
- Ўзбекистоннинг миллий моделини билиши ;
- Кўзга кўринмас қўл тамойилини англай олиши;
- Бозор иқтисодиёти субъектларини аниқлай олиши;
- Бозор қонунларини билиши;
- Бозор конъюктурасини ўрганиши;
- Бозор сегментациясини баҳолай олиши;
- Бозор турларини ўрганиши;
- Мулкчилик муносабатлари тўғрисида ҳулоса чиқара олиши;
- Хусусийлаштиришнинг Ўзбекистон моделини баҳолай олиши;

- Ҳусусийлаштириш моделларини таҳлил қила олиши
- Инфляция моҳиятини изоҳлаб бериши;
- Иқтисодий циклларни баҳолаши;
- Иқтисодий ўсиш ва турларини ўрганиши;
- Давлатнинг ижтимоий сиёсатини таснифлай олиши;
- Талаб ва таклиф қонунларини билиши;
- Рақобатнинг турлари изоҳлай олиши;
- Тадбиркорлик ахлоқи ва психологиясини таҳлил қила олиши;
- Бизнес режа туза олиши;
- Хавф зонасини ҳисоблай олиши;
- Хавфни бошқариш усулларини ўрганиши
- Кичик бизнесни моҳиятини тушунтира олиши;
- Фирма турларини ўрганиши;
- Маркетинг тактикаси ва стратегиясини изоҳлай олиши;
- Товарнинг ҳаётий циклини таҳлил қила олиши;
- Маркетинг тадқиқотларидан хулоса чиқара олиши;
- Янги товар тушунчасини изоҳлай олиши;
- Реклама турлари ва технологиясини ўрганиши;
- Маҳсулотни сотиш усулларини аниқлай олиши;
- Тижорат санъати тушунчасини таҳлил қила олиши;
- Биржа битимларини билиши;
- Товар биржасини ўрганиши;

- Тариф системасини ўрганиши, иш ҳақи тўлашни турларини билиши ва ҳисоблай олиши керак.
- Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблай олиши;
- Харжатларни камайтириш йўлларини билиши;
- Молия тушунчасини изоҳлай олиши;
- Солиққа тортиш мезонларини билиши;
- Фонд бозори тўғрисида аниқ хулоса чиқара олиши;
- Бюджет тақислиги тушунчасини изоҳлай олиши;
- Акциялар турларини ўрганиши;
- Акциялардан даромадларни ҳисоблай олиши;
- Кредитнинг фоиз ставкаларини ҳисоблай олиши;
- Қимматли қоғозлар турларини ўрганиши;
- Қимматли қоғозлар бозорини тушуниши ва изоҳлай олиши;
- Миллий иқтисодиёт тўғрисида фикларини баён қила олиши;
- Жаҳон иқтисодиётини ўрганиши;
- Глобал муаммоларни таҳлил қила олиши;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни ўрганиши;
- Ташқи савдо тўғрисида маълумотлар тўплай олиши;
- Валюта муносабатларини билиши;
- Валюта сиёсати ва операциярини ўрганиши .

Ўқитиш воситалари ва дидактик материаллар

- иш режаси;
- амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- Визуал воситалар:
- Доска, компьютер, проектор.
- Тасвирий – визуал воситалар:
- Чизмалар, графиклар, диаграммалар, жадваллар, тарқатма материаллар.
- Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш, ўрганиш учун ишлатилади.

- “Касб маҳорати” фанини ўқитишда қуйидаги ўқув материаллардан фойдаланилади:
- Иқтисодиёт назарияси.
- Иқтисодиёт илми асослари. С.Фуломов, А.Абдуллаев, А.Сотволдиев. Т.: “Ўқитувчи”, 1999.
- Иқтисодий билим асослари. Қ.Йўлдошев, Қ.Муфтайдинов. Т.: “Ўқитувчи”, 1999.
- Тадбиркорлик ва кичик бизнес. С.С.Фуломов. “Шарқ” нашриёти – матбаа АК бош таҳририяти. Т.: 2002.
- Кичик бизнесни бошқариш. М.С.Қосимов, Б.Ю.Ходиев, А.Н.Самадов, У.С.Мухитдинова. Т.: “Ўқитувчи», 2003.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. С.Фуломов таҳририяти остида. Т.:»Фан ва технология“ нашриёти, 2005, 444 б.
- Маркетинг тадбиркорлик бизнес бозоршунослик. А.Солиев, А.Усмонов. Т.: “Ўқитувчи” 1997.

Ижодий метод

- Таълим олувчининг ижодий мустақиллигини тўла амалга оширади. Унда талаба ўқитувчининг берган вазифасини бажаради, айти вақтда ўзлари ҳам ўқув муаммосини шакллантиради, изланишни амалга оширади ва пировард натижага эришади.
- Шу тариқа ижод методи қўллаш билан талабалар фаолияти олимларнинг илмий – тадқиқот фаолиятига яқинлашади. Ўқитувчи фақат талабаларнинг илмий изланишларига умумий раҳбарлик қилди. Вазифалар эса уларнинг мустақил ўқув – билиш ҳатти – ҳаракатларининг тўла даврийлигини кўзда тутди: ё таҳлилгача ахборотлар йиғилади ёки ечилишига қадар ўқув муаммоси қўйилади, ҳамда ечимлар текшириб кўрилади ва янги билимлар жорий қилади.

Амалий куникмаларни баҳолаш.

- Касб махорати фани бўйича семестр давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 баллни ташкил этади;
- Фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:
- 1-жорий назорат (ЖН) бўйича 30 % яъни, 30 балл
- 2- жорий назорат (ЖН) бўйича 30% яъни 30 балл
- 3- жорий назорат (ЖН) бўйича 25% яъни 25 балл
- Якуний назорат (ЯН) бўйича 15 % яъни, 15 балл

Баллар баҳо ва фоиз жиҳатдан қуйидагича

тақсимланади:

Мак. Балл 100	Баҳолар, фоизлар, баллар			
	“қониқарсиз” 55 % гача	“қоникарли” 55 - 70 %гача	“яхши” 71 - 85 %гача	“аъло” 86 - 100 %

Ўтиш бали – 55.0 балл

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!